

«Ҳаж-2019» ишчи гуруҳи раҳбари анжуманда иштирок этди



09:45 / 06.08.2019 1603

Жорий йилнинг 5 август куни Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ж.Акрамов Ҳаж вазирлиги томонидан ҳар йили, ҳаж мавсумида ўтказиладиган илмий анжуманнинг 1440/2019 йилги «Ислом — тинч-тотув яшаш ва бағрикенгликдир» номли 44 даврасида иштирок этди. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати Макка шаҳридан хабар беради.

Ҳаж вазири Муҳаммад Солиҳ бин Тоҳир Бантан 1440 йил 4 Зулҳижжа куни мамлакат ичкариси ва ташқарисидан келган уламолар, фақиҳлар, мутафаккир ва тадқиқотчилар иштирок этадиган «Ислом — тинч-тотув яшаш ва бағрикенгликдир» мавзусига бағишланган йиллик ҳаж илмий анжуманини очиб берди. Форум Маккаи мукаррамадаги «Ҳилтон» меҳмонхонасида ўз ишини бошлади.

Ушбу форум Ҳаж вазирлиги томонидан 1970 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинадиган энг катта илмий анжумандир. Анжуманда «Илм-фаннинг жамият ҳаётида тутган ўрни», «Тиббий фаолият халқларни ўзаро яқинлаштиришга ҳисса қўшишга муҳим омил», «Ислом ва унинг инсон саломатлигига аҳамияти», «Ислом — ўзаро ижтимоий ёрдам ва инсонпарварлик динидир» каби мавзулар муҳокамаси бўлиб ўтди. Анжуманда подшоҳ девони маслаҳатчиси Шайх Солиҳ бин Ҳумайд, Икки муқаддас масжид ишлари бошқаруви раиси шайх Абдурахмон бин Абдулазиз ас-Судайс, Уламолар кенгаши аъзоси шайх Саъд бин Носир аш-Шатрий, АҚШлик олим шайх Юсуф Эстес ва дунёнинг бошқа кўплаб таниқли олимлари, тадқиқотчилари иштирок этди.

Islom.uz портали таҳририяти